Ушбу сонда:
2 «МАҚСАДИМИЗ – ИНСОНЛАРГА НАФ КЕЛТИРИШ»
3 Мардлар қўриқлайди Ватанни. БУРЧГА САДОҚАТ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 17 май, шанба № 77 (1502)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Б.АБДУРАИМОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Миллий спортимизни ривожлантириш, ўзбек футболининг шуҳратини юксалтириш, иқтидорли ёшларни тарбиялашдаги кўп йиллик самарали хизматлари учун ҳамда туғилган кунининг олтмиш йиллиги муносабати билан Берадар Абдураимовга «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 16 май

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

**Наманган шаҳридан йигирма чақиримча юрмасингиздан ўнг тарафда, адирликлар қўлтиғида Эски ер сув омбори чайқалиб ётади. Куз ва қиш ойларида сув омбори шунчалик кенгайиб кетадики, гўё денгизни эслатади. Ойнадек ёйилиб ётган кўкимтир оби-ҳаёт узра турли сув қушлари ғужғон ўйнайди. Чап ёқда эса чўққилари булутлардан салла ўраган Ўнғор ҳамда Бўспу тоғлари ястанган.**

# САНГИСТОН БАҲОРИ

## ёки Янгиқўрғоннинг биринчи фермери ниятлари

Ана шу адирликлар елкаси узра қурилган ва туманнинг тоғли қишлоқларини шаҳарга анча яқинлаштирган дала йўлидан борарканмиз, ер бетини гиламдек қоплаган майсалар, ғир-ғир эсаётган майин шабадада денгиз тўлқинидек оҳиста чайқалади.

– Қандай гўзал манзара, - дейман табиатнинг чексиз чиройига мафтун бўлиб.

– Инсон меҳнати билан яралган-да, бу гўзаллик, - дейди шеригим.

–Айтгандай, Доли Сатторов номидаги жамоа хўжалигига қарайдими бу далалар?

– Хўжаликларники қолмади ҳисоб, ҳаммаси хусусийлашиб кетди. Бу экин майдонларининг аксарияти фермерники. – Кейин шеригим қўшиб қўйди. – Биз турган бу ерлар Деҳқонбой Болтабоев деган фермерники. Балки танирсиз, узоқ йиллар хўжалик раҳбари бўлиб ишлаган. Туманимизда биринчи бўлиб фермерликни бошлаб берган ҳам шу киши...

Деҳқонбойнинг болалиги мана шу адирликлар узра мол-қўй боқиб ўтди. Ўқувчилик йилларида эса ўқишдан сал бўш вақт топсаки, ота-онасига ёрдамлашиш учун бригада даласига қараб чопар, ғўза ўташдан тортиб пахта теришгача кўмаклашарди. Ерга нисбатан муҳаббат уни Тошкент қишлоқ хўжалик олийгоҳига етаклади. Олий ўқув юртини битиргач дастлаб агроном, сўнгра раис ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатди. Унинг деҳқончиликни пухта билишидан ташқари ташкилотчилигини инобатга олишиб дастлаб «Гулшан», кейинроқ ўзи туғилиб ўсган Доли Сатторов номли жамоа хўжалиги раислигига тайинлашди. Д.Болтабоев раҳбарлигида роитда деҳқончилик қилиш усулларини такомиллаштирди. Шу билан бир қаторда тармоқни кенгайтирди, чорвачилик фермасини ташкил этди. Зеро, бу даврга келиб экин майдонлари 20 гектардан ошиб кетган эди. Бинобарин, ғалла ва маккажўхоридан чиққан сомон, ишлаб чиқариш тараққий этди, қишлоқлар ободонлашди. Экинзорларга туташ адирликлардан ўнлаб гектар дашт ўзлаштирилди.

Ўзи туғилиб ўсган хўжаликка ўн йилдан зиёд раислик қилган Д.Болтабоев туман раҳбарлигига ариза берди.

– Нега бундай қиляпсиз? - сўрашди ҳайрон бўлишиб. –Бир чиройли ишлаб турибсиз, режалар бажарилаяпти. Ҳеч ким шу пайтгача устингиздан шикоят қилиб келмаган.

– Сизларга раҳмат, - деди ўшанда Деҳқонбой ака. – Қўлдан келганича ишладик. Энди ёш ўтиб қолди. Кейинги вақтда соғлигимнинг мазаси қочяпти. Ёшлар ишласин!

Ҳақиқатан ҳам сўнгги йилларда Деҳқонбой аканинг соғлиги «иш кўрсатаётган», ботбот ётиб қолар, сал нарсага қон босими кўтариларди. Турли касалхоналарда муолажа олиб, оёққа турган Д.Болтабоевни 1991 йилнинг эрта баҳорида Сангистон адирлигида бекор ётган 10 гектар майдонни ўзлаштириб, деҳқончилик қилиш учун рухсат этишларини сўради. Унинг илтимосини қондиришди.

Оқсоқол бекорга овора бўлаяпсиз, ахир, бу ерда зоғ учмаган. Яралганидан бери сув кўрмаган. Меҳнатингиз бекор кетади, деганлар ҳам топилди. Бироқ Деҳқонбой ака иккиланмади. Ўғил-қизлари отанинг ёнига киришди. Даштни ҳам ўз пулига ўзлаштирди. Насос ўрнатиб, бир ярим чақиримдан қувурлар ёрдамида сув тортиб келтирди. 5 гектар ерга пахта, 5 гектар майдонга ғалла экди. Сарфланган меҳнат бекор кетмади. Кейинги йилда тағин 4 гектар ер ўзлаштирди. Хуллас, Д.Болтабоевнинг фермер сифатида фаолият кўрсатган ҳар бир йил ўзига хос из қолдирди. Кам сув шахашак бу борада қўл келди. 1998 йилда ёрдамчи хўжалик орқали давлатга ғалла ва пахтадан ташқари 11 тонна гўшт ҳам сотилди. Ўша йилда Деҳқонбой ака Наманган вилояти фермерлари орасида уюштирилган кўрик-танловда ғолиб деб топилди. Мамлакат миқёсида эса учинчи ўринни эгаллади.

Ҳаёт гуллар тўшалган пойандоз эмас, деганларидек, навбатдаги йил учун янада юксакроқ режаларни кўзлаб юрган Д.Болтабоевнинг соғлиги яна панд берди. Шифокорлар ўрнидан қимирламай ётишини маслаҳат бердилар. Яхшики, ўғли Содиқжон жонига оро кирди ва отаснинг ишини давом эттира бошлади. Анча муддат даволангач, 2001 йил бошларида тағин қадрдон даласи сари йўл олди.

Шу кунларда Сангистон адирликларига бориб қолсангиз, бел баробар ғаллазорларни, ер бетини қоплаган ғўза майдонларини кўриб кўзингиз қувонади. Раҳимжон Сулаймонов, Баҳромжон Сулаймонов, Жамолиддин Қосимов, Содиқжон Болтабоев сингари ўн тўрт сувчи-ю механизатор манглай тери билан мўл ҳосил етиштирмоқда. Деҳқонбой ака бошлиқ жамоанинг мақсади — Сангистон адирликларини яшнатиш, уни пахта қайнар, ғаллага кон хазинага айлантириш. Бу йил эса ғалладан камида 45 центнердан, пахтадан эса 30 центнердан ҳосил етиштириш ниятида меҳнат қилишмоқда.

– Мақсадим — адирлик бағрида 5 гектар боғ яратиш, ишловчилар учун Сангистон номи билан маҳалла бунёд этиш, - дейди Деҳқонбой ака.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## АҲОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Самарқанд шаҳридаги Олтин аср маҳалласида Маҳалла маркази иш бошлади. Марказ «Самарқанд вилоятгўштсутсавдо» ташкилоти кўмаги ва ҳашар йўли билан бунёд этилди.**

- Бино замонавий услубда барпо этилди, - дейди Темирйўл туман ҳокимининг ўринбосари В.Чаққонов. - Бу ерда маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, милиция таянч пунктидан ташқари турли тадбирларни ўтказиш учун мажлислар зали ҳам мавжуд.

*«Умид ниҳоллари-2003» ўйинлари кундалиги*

# БЕЛЛАШУВЛАР ҚИЗҒИН ТУС ОЛМОҚДА

**«Умид ниҳоллари-2003» республика ўйинларида жамоа мусобақаларидан кейин шахсий биринчиликлар бошланди. Олимпия захирлари коллежи майдонларида катта теннис ва бадиий гимнастика бўйича қуръа ташлаш ва саралаш мусобақалари бўлиб ўтди. Урганч қишлоқ хўжалиги коллежи «Пахтакор» спорт залида стол тенниси бўйича мусобақалар бошланди. Шовот тумани маиший хизмат коллежида эса шахмат турнирининг иккинчи тури ниҳоясига етди.**

Бироқ мусобақаларнинг иккинчи кунида энг қизғин беллашувлар футбол, баскетбол, волейбол ва гандбол майдонларида кузатилди.

«А» ва «С» гуруҳларида «миллионлар ўйини» баҳслари ўтаётган Хонқа тумани стадионида Қорақалпоғистон ва Қашқадарё вилояти ёш футболчилари бир кун аввал наманганликлар ва хоразмликлардан учраган мағлубиятлари аламини сирдарёлик ва фарғоналик тенгқурларидан олиб, ғалаба қозонишди. Наманган терма жамоаси эса 1:0 ҳисобда бухороликларга ютқазиб қўйди.

Боғот туманидаги стадионда ўтказилган «В» гуруҳи ўйинларида Тошкент шаҳри жамоаси Жиззах терма жамоаси устидан ишончли ғалабани қўлга киритди. «Хива» стадиони яшил майдонида Самарқанд ва Навоий жамоалари учрашуви дуранг натижа билан якунланди. Худди шу «Д» гуруҳида пойтахт вилояти футболчилари сурхондарёликлар устидан ғалаба қозонди ва мусобақанинг кейинги босқичига чиқиш имкониятларини мустаҳкамлади.

Урганч қишлоқ ва сув хўжалиги коллежи залида ўтаётган волейболчи қизлар мусобақасида ҳам баҳс қизғин бормоқда. Тошкентлик қизлар билан учрашувда мусобақа мезбонлари куни-кеча сурхондарёликлар устидан қозонган ғалабаларидан руҳланиб, дастлабки икки партияни ютиб олишди. Аммо тажрибали пойтахт жамоаси аввал ҳисобни тенглаштириб, ҳал қилувчи бешинчи партияда ғалаба қозонди. Наманган, Сирдарё, Самарқанд, Жиззах, Навоий вилоятлари жамоалари Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Фарғона, Тошкент ва Андижон вилоятлари жамоаларини мағлубиятга учратди.

Урганч қурилиш коллежи спорт залида ўтказилаётган қизлар баскетбол турнирида хоразмликлар кетма-кет зафар қучмоқда. Улар «Умид ниҳоллари-2003»даги иккинчи учрашувда қашқадарёлик қизлар устидан 46:14 ҳисобда устун келди. Бу баҳсларда Тошкент шаҳри, Фарғона, Тошкент, Андижон ва Бухоро вилоятлари жамоаларига ҳам омад кулиб боқди. Улар Сирдарё, Самарқанд, Жиззах, Навоий, Наманган жамоалари устидан ғалаба қозонди.

Хоразмлик баскетболчи йигитлар ҳам ушбу мусобақаларда муваффақиятли қатнашмоқда. Улар сурхондарёлик тенгқурларидан деярли икки баробар (53:27) устун келиб, Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети спорт мажмуида ўтаётган турнирдаги пешқадамликларини мустаҳкамлаб олди. Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан якунланди: Тошкент шаҳри-Тошкент вилояти 90:41; Қашқадарё-Қорақалпоғистон 48:36; Фарғона-Жиззах 82:51; Навоий-Бухоро 45:53; Андижон-Сирдарё 51:32.

Хива махсус спорт интернати ва Урганчдаги олимпия захиралари коллежи майдонларида ўтказилаётган йигитлар ва қизлар ўртасида қўл тўпи бўйича мусобақаларнинг иккинчи куни учрашувлар жуда қизиқарли ўтди. Бу ерда ҳам ҳозирча Хоразм вилояти терма жамоалари пешқадамликни сақлаб турибди.

Енгил атлетика ва сузиш бўйича мусобақалар ҳам давом этмоқда.

**(ЎзА)**



Ҳамза туманидаги «Муҳаммад-Алисавдо» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Саидикром Абдуазимов кредит ҳисобидан пайпоқ ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олди. 2002 йилнинг апрел-май ойларида фирма тўлиқ ишга туширилди. Ҳозирги кунда 10 нафар ишчи икки сменада 7-8 хил пайпоқ ишлаб чиқараяпти. Туман тадбиркорлар палатаси томонидан ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш учун Чилонзор отчопар буюм бозоридан жой ажратилди. Фирма ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг бозори чаққон.

**Суратда: илғор ишчи Гўзалхон Ҳамидова**

**Ғ. ХИДИРОВ олган сурат**

## ТАЙЁРГАРЛИК «АЪЛО» БАҲОЛАНДИ

Хоразм вилоятида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари-2003» республика ўйинлари финал босқичининг ўтказилиши муносабати билан Урганчда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳайъатининг кўчма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур идоранинг етакчи мутахассислари, мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонининг бажарилиши, янги спорт кўкрак нишонлари лойиҳалари, қатор бошқа масалалар муҳокама этилди.

Ҳайъат йиғилишида сўзга чиққанлар Хоразмда оммавий болалар спорт мусобақаларига яхши тайёргарлик кўрилганлигини таъкидлади. Деярли барча мажмуалар, стадионлар, спорт заллари ва мусобақалар ўтаётган бошқа иншоотлар янги қурилган ёки жаҳон андозалари асосида тўлиқ таъмирланган, барча зарур ускуналар билан жиҳозланган.

## ЧИМБОЙ КУНГАБОҚАР ЁҒИ

Чимбой туманида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи «Shimboy davn agro» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси ташкил этилди.

Корхонани «Чимбой агросаноат» ишлаб чиқариш корхонаси ва Американинг «Davnport Continental» компанияси таъсис этди. Низом жамғармаси 75 минг АҚШ доллари миқдоридаги ушбу қўшма корхона кунгабоқар ёғи ишлаб чиқаради.

- Кунгабоқар ёғини бир литрли пластмасса идишларга қадоқлаб чиқарамиз, - дейди «Чимбой агросаноат» ишлаб чиқариш корхонаси директори Саловат Успанов. - Маҳсулотларни Россия ва Қозоғистон давлатларига экспорт қилиш кўзда тутилмоқда.

**(ЎзА)**

*«Ишонч» бонг уради*

**Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг бажарилиши Ангор туманида кўнгилдагидай олиб борилмаяпти. Туманда ҳатто уч навбатда болаларга таълим берилаётган мактабларнинг борлиги кишини ҳайратга солади.**

# КЕЧИКАЁТГАН МАОШ

## бунинг учун жавобгарлик бор, аммо жавобгар йўқ

Халқ таълими бўлимининг услубхона мудири Холмурод Бегимов билан 12-умумтаълим мактабига кириб борар эканмиз, хаёлимга танаффус экан, деган фикр келди. Холмурод ака эса соатига қараб «ўқитувчи йўқ, шекилли», дея бош чайқади. Маълум бўлишича, 9-11 «б» ҳамда 11 «в» синфларига дарсга кириши шарт бўлган ўқитувчилар турли юмушларни баҳона қилиб ишга чиқишмабди. Қарангки, мактабнинг 1144 нафар ўқувчиси 44 та синфга бўлиниб ўқишар экан. Бироқ, билим даргоҳида атиги 20 та синфхона мавжуд. Ўқитувчилардан бирининг гувоҳлик беришича, синфхоналар етишмаслиги боис 4-синф ўқувчилари учинчи навбатда ўқишаркан. Қиш фаслида эса дарс ўтишга умуман шароит бўлмас, электр энергияси деярли ишламас экан. Мактаб ёнидан табиий газ қувури ўтганига қарамай ўқитувчи ва ўқувчилар учун «зангори олов» ҳамон армонлигича қолмоқда. Синфхоналар етишмаслиги сабаб, тўгараклар иши ҳам номигагина юритиляпти.

Синфхоналарни кўздан кечирганимизда ҳақиқатан ҳам 3 «а», «б», 2 «а», «б» синф ўқувчилари учинчи сменада ўқиши маълум бўлди. Баъзи хоналарда учта синфнинг дарс жадваллари, ўқувчиларнинг исм-шарифлари ёзиб қўйилганлиги бунга гувоҳлик бериб турарди. Бундан ташқари, синфхона линолиумлари йиртиқ, деворларнинг шувоқлари кўчиб кетган. Мактаб маъмурияти 9 йил бурун қурилиши бошланган бино фойдаланишга топширилса, ишлар ўнгланиб кетар, деган илинжда.

Тумандаги «Қорасув» ширкат хўжалиги ҳудудидаги 3-ўрта мактабда эса ўқитувчилар ойлик маошларини ўз вақтида ололмай хуноб. Таълим ва фан ходимлари туман касаба уюшма қўмитаси раиси Ўрозмамат Ҳимматов ҳамроҳлигида мактабга кириб борганимизда, директор Нурхон Файзуллаев бизни хомуш кутиб олди.

– Ўқитувчиларимизни ўз вақтида иш ҳақи билан таъминлаш имконини тополмаяпмиз. Мана қанча вақт ўтдики, март ойи учун 1 миллион 400 минг сўмни ололмаяпмиз. Арзимизни ҳеч ким тингламайди.

Туманда Нурхон Файзуллаевдек додини кимга айтишни билмай юрганлар кўп экан.

– Мен Эргаш Эшалиевман. 29-мактабда директор бўлиб ишлайман. Биз маошларимизни туман халқ таълими бўлимидан оламиз. Лекин турли сабаблар баҳона иш ҳақимизни ўз вақтида ололмаяпмиз. Раҳбарларга учрашавериб чарчадим.

Суҳбатга илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Ғойибназар Ойназаров қўшилди:

– Икки ойлик маошимни ололмайман. Қуруқдан-қуруқ уйга боришга ҳам уялар экансан киши.

Мактабгача таълим муассасаларидаги аҳвол бундан ҳам ачинарли.

– «Ғунча» болалар боғчасида ҳамшира бўлиб ишлайман. 10 минг сўм маош оламан. Шуни ҳам вақтида беришмайди. Ўғлим Тошкентда ўқийди. Унга ҳам қарашиб туриш керак. Айни пайтда пулга муҳтожлигим катта, – дейди Бибираҳима Аралова.

Таълим ва фан ходимлари туман касаба уюшма қўмитаси раиси эса бу ачинарли аҳволни шундай изоҳлайди:

– 2001-2003 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 4-боби меҳнатга ҳақ тўлашга бағишланган. Ҳатто 1-бандда «Тармоқ ходимларига иш ҳақлари аванс ва тўлиқ тарзда ҳар ярим ойда бир марта нақд пул тўлаш йўли билан амалга оширилади. Маъмуриятнинг айби билан ходимларга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечиккан тақдирда айбдор шахсдан ойлик иш ҳақининг 20 фоизидан 40 фоизигача жарима олиш ва меҳнат шартномасини муддатидан олдин бекор қилишгача бўлган интизомий жазо чоралари қўлланилади» деб ёзиб қўйилган. Афсуски, туман халқ таълими бўлими раҳбарлари ўз зиммаларидаги бу мажбуриятни ҳис қилишмаётир. Шу боис жорий йилнинг 15 апрелида махсус хат билан туман прокурорига мурожаат қилиб, тармоқдаги 2003 йил феврал ойи ҳисобидан 11.928.857 сўм иш ҳақи, 1.833.697 сўм нафақа, март ойи учун 5.080.400 сўм иш ҳақи, 1.632.333 сўм нафақа, 6.282.000 сўм пенсия ва касаллик варақалари пулларидан қарздорликни бартараф қилишда амалий ёрдам сўрадик.

Туман халқ таълими бўлими ҳисобчиси Қосимжон Мародовдан ҳам фикр сўрадик.

– Ростдан ҳам 62 миллион 289 минг сўм феврал-март ойлари учун иш ҳақи, нафақа, пенсия пулларини тўлай олмай турибмиз. Апрел ойи ҳали хаёлимизда ҳам йўқ.

Бош ҳисобчининг фикрини давом эттириб халқ таълими бўлими мудири Йўлдош Эгамбердиев шундай деди:

– Қарздорликни тўлаш учун юқори ташкилотларга ҳам, банк ходимларига ҳам мурожаат қилганимизча йўқ. Чунки кўриб-билиб турибмиз. Нақд пул бугун муаммо. Қолаверса, арз қилаверсак, ёмон отлиқ бўлиб қоламиз.

Кўриниб турибдики, ангорлик муаллимларнинг етакчиси меҳнатга ҳақ тўлашдаги камчиликларни бартараф этиш йўлларини излашдан кўра, «олма туш, оғзимга туш» дея жим туришни афзал биларкан. Зеро, у ўзи таъкидлаганидек, «ёмон отлиқ бўлишдан қўрқади».

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхона ва ташкилотлар ходимларига иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши шарт. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Мазкур қарорда иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги учун иш берувчининг моддий жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари белгилаб қўйилган. Ангорлик масъул раҳбарлар эса ойлик маошини вақтида ололмай ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қийналаётган жафокаш муаллимлар олдида негадир ўзларини айбдор сезмаётирлар. Бу ҳақда Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарлари нима дейишар экан?..

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири**



*Илҳом*

**ТЎРА ЖУМАН — жангу жадалларни нафақат эшитган, балки ўзи ҳам қатнашган бу табаррук отахонни муштарийлар яхши билишади. Чунки у назм шайдоси, бамисоли қайнар булоқ, тинимсиз ижод қилади.**

**Қуйида шоирнинг қалб қўри тўкилган ғазалларидан намуналар ўқийсиз**

## ЯХШИ УСТОЗ ШАМ КАБИ

*Яхши устоз шам каби зиё ва нур беради,*
*Ёритади онгларни, илмга зўр беради.*

*Ҳар бир сўзи, ўгити бўй таратар гул каби,*
*Мартабани ошириб, қалбларга қўр беради.*

*Такаббурлик, нодонлик йўқолади илмдан,*
*Хулқимизни яхшилаб, тенгсиз шуур беради.*

*Таъзим қилсак арзийди устозимизга, Тўра,*
*Ёмонликдан қутқариб, туганмас дур беради.*

## ТАЪМАГИР ЁЛҒОН СЎЗЛАР

*Одам сонига кирмас, кимнингки меҳмони йўқ,*
*Бир умр қадрсиздир мурувват, эҳсони йўқ.*

*Таъма, очкўзлик эса ўз жонини қийнашдир,*
*Таъмагир ёлғон сўзлар, сабаби иймони йўқ.*

*Кўнгли қора кимсалар litровни кўролмайди,*
*Ғами кўп бўлур унинг, хурсандчилик они йўқ.*

*Олим кишилар билан ҳар вақт суҳбат қур, Тўра,*
*Мол-мулки кўп бўлса-да, илмсизнинг шони йўқ.*

## МЕН ҚАНДАЙ ОШИҚМАНКИ

*Мен қандай ошиқманки, топиб бир чорасини,*
*Йўқ қилмасам ёримнинг дилдаги ярасини.*

*Нимадан хурсанд бўлса, тез муҳайё қиламан,*
*Топаман айтганининг яхшиси, сарасини.*

*Ноз-неъматни мўл қилиб, қуюқ суҳбат қураман,*
*Энг чиройли жой қилиб гулларнинг орасини.*

*Тўра, шу айтганимни адо этмасам, агар*
*Васлига етолмайман, кўрсатмас қорасини.*

**Тўра ЖУМАН**

# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



*Бу ажиб дунё*

### ИККИ МАРТА ГУЛЛАЙДИГАН ЎРИК

Молгузар ва Ойқор тоғлари бағрида жойлашган Бахмал гўзал табиати билан азалдан кишиларни мафтун этиб келган. Кўркам ва обод ушбу тумандаги Сўфи қишлоғини мевали дарахтлар макони дейишади. Чунки мева-чевалар мўллигидан кўз қамашади, қай биридан татиб кўришни билмайди, киши. Манзарали дарахтлардан тортиб кумушранг жийдалар, хушбўй ҳид таратиб турган дарахтларни санаб адоғига етиб бўлмайди.

Айниқса, қишлоқнинг отахон боғбони Камол буванинг боғ-ҳовлисида ўсаётган бир туп ўрик ўзининг ажабтовурлиги билан ҳаммани лол қолдиради. У дастлаб февралнинг охирида гуллайди, май ойи ўрталарида меваси етилади. Иккинчи марта эса июн ойи бошида гулга кириб, ҳосили октябрда пишиб етилади. Кейингисида мевалар бироз майда бўлса-да, жуда ширин бўлади. Мағзлари ҳам ғоят мазали. Бу ҳақда Камол буванинг ўзидан сўраганимизда, «Билмадим, чироғларим, боғда ишлов барча дарахтларга бирдек олиб борилади. Ҳамма гап унинг навида бўлса керак». Дарвоқе, тажрибали боғбон томорқасига йилига уч марта экин экиб, ҳосил олади. Эрта баҳорда арпа экадида уни йиғиб олгач, аввал бодринг, помидор ва бошқа зираворлар, кейин эса ё кечки картошка ё маккажўхори экади. У парваришлаётган ўрик эса йилига икки бора гуллаб мева беради.

Бу боғбоннинг ажабтовур сирими ёки она заминимиз саховати, буниси бизга қоронғу.

**Янгибой ЖАЛОЛОВ.**



Бугунги Тошкент. «Дедеман» меҳмонхонаси.

# ОТА-ОНАЛАР ЙИҒИЛИШИ

*Ҳажвия*

5 «в» синф раҳбари Ойдиной Расуловна ота-оналарни каттагина синф хонасига тўплагач, йиғилишни бошлади.

– Салом, ҳурматли ота-оналар! Яхши юрибсизларми? Танижонларингиз соғми? Одатимизга кўра олдин бир йўқлама қилиб олсак. Бўлмаса алфавит бўйича бошлаймиз.

– Ашуров Рустам! – У фамилияни ўқигач, хонага назар солди. – Рустамжоннинг кими келган?

– Мен. Бобосиман, – жойидан туришга ҳаракат қилди оппоқ соқолли, жиккаккина қария. Сўнгра неварасининг ота-онаси нега мажлисга келолмагани сабабини айтди. – Бугун келинимизнинг «гапи» бор эди. Ўғлимиз командировкада. Шунга мени юборишувди.

– Яхши. Раҳмат, ўтиринг!

Синф раҳбари рўйхатни ўқишда давом этди:

– Ботирова Норхол!

– Айланай, мен келдим. Бувисиман. Ўғлим: – Онажон, сиз бора қолинг. Бўлса-бўлмаса ремонтга пул тўплашга чақирган. Билиб келинг, қанча бўлса берамиз деди. – Онахон гавдасининг оғирлигидан ўтирганида парта ғижирлаб кетди.

– Валиев Самад! Мен аммаси бўламан. Самаджонни ёшлигидан ўзим катта қилганман, қоқундиқ. Ота-онаси бугун қўшни туманга тўйга кетишганди. Нима гап бўлса етказаман.

Хуллас калом йўқлама тугади. Мажлисга синф ўқувчиларидан бирининг тоғаси, бирининг акаси, бирининг бобоси, аммаси, ҳатто қўшнилари жам бўлишган экан.

Синф раҳбари йўқламани тугатгач, чўзиб ўтирмай, мақсадга ўтди: Ростдан ҳам бугунги мажлисда ремонт масаласи бош мавзу экан.

– Хўш, қанчадан йиғамиз? – Ойдиной савол ишорасида хонага қаради.

Биров икки минг, биров уч мингдан , деди. Охири 2,5 минг сўмга келишилди.

Шундан сўнг синф раҳбари озгина тартиб-интизом тўғрисида гапирган бўлди-да сўзини якунлади.

– Ҳурматли ота-оналар! Тойс, буви-бувалар, тоға-амакилар, аммаю холалар, ака-укалар! Ўйлайманки, нима демоқчилигимни ҳамма тушунган бўлса керак. Сизлар мажлисдаги гапларни оқизмай-томизмай эгаларига етказасизлар. Ремонт пули уч кундан кечикмасин. Шу билан йиғилишимиз тамом. Келганларингиз учун раҳмат! Хайр. Саломат бўлинглар!

**Ўткир САИДОВ**

*Сиз кутган учрашув*

# ЮРАКДАН КУЙЛАШ—БАХТ

***Тошпўлат Маткаримов ўзбек қўшиқчилиги санъатида ўз овози эга бўлиб бораётган хонандалардан. Унинг қўшиқлари халқона оҳангларга бойлиги, ўйноқилиги билан алоҳида ажралиб туради.***

– XVIII аср француз адабиётининг забардаст вакили Оноре де Бальзак «Шоирлар қишлоқда туғилиб, Парижда ўлади» деган экан. Буни қарангки, бугун ҳам ушбу сўзлар ўз қимматини йўқотган эмас, — дея сўз бошлайди санъаткор «вилоятда яшаб ижод қилиш сизга қийинчилик туғдирмайдими?» деган саволимизга жавобан. — Негаки шаҳарлар, айниқса, пойтахтларда катта имкониятлар, қолаверса, қайноқ ижодий муҳит бор. Ўзимга келсак, гапнинг очиғи, менинг йўриғим бошқачароқ. Тақдир инояти билан Тошкентдан унча олис бўлмаган жойда – Оҳангароннинг Қорабалиқ қишлоғида туғилганман. Яқин тўрт-беш йилдан буён бир оёғим Тошкентда. Хуллас, айтмоқчиманки, пойтахт ижодий муҳити менга бегона эмас. Шундай бўлгандан кейин пойтахтда яшадим нимаю, вилоятда яшадим нима.

**– Бугунги кунда санъаткорларни элга танитишда, улар ижод маҳсулларини мухлисларга етказишда оммавий ахборот воситалари — телевидение, радио, газета-журналларнинг имкониятлари беқиёс...**

– Ижод билан шуғуллана бошлаганимга анча йиллар бўлиб қолди. Бироқ, республика радиоси ва телевидениеда қўшиқларим қўйила бошлаганига унчалик кўп вақт ўтгани йўқ. Шу ўринда агар эл орасида салгина танилган бўлсам, бунинг учун аввало овоз ёзиш уйларининг ҳиссаси катталигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Телерадиокомпания, республика нашрларидан ҳам норози эмасман. Негаки, мухлисларим сафининг ортишида уларнинг ҳам ўрни беқиёс.

Кези келганда бир мулоҳазамни айтиб ўтмасам бўлмас. Илгари ёш санъаткорлар ўртасида кўплаб кўрик-танловлар бўларди. Охунжон Мадалиев, Муҳриддин Холиқов, Ғиёс Бойтоев, каби истеъдодли санъаткорлар шу тариқа кашф этилганди. Менимча, ана шундай тадбирлар ташкил этишни яна йўлга қўйиш керак.

Ҳозир аҳвол сал ўзгачароқ. Истеъдодлар бисёр, қўшиқчилар кўп, рақобат кучли. Битта қўшиқ яратган одам ҳам телевизорга чиқиш ҳаракатида бўлмоқда. Ҳали у қўшиқ тингловчига манзур бўлдими-йўқми, бундан қатъи назар, газеталарда суратлари билан чиқишяпти. Тақвимлар, ҳар хил плакатлар, хуласки, бутун эътиборини рекламага қаратишмоқда. Ким билади, дейсиз, бу ҳам тўғридир, балки...

**–Ижодий ҳамкорларингиз кимлар, қайси шоирларнинг шеърларидан фойдаланасиз?**

– Адашмасам, 1987 йили бўлса керак, санаторийда даволанаётган пайтимда ажойиб бир инсон билан танишдим. У билан кўп бора суҳбатлашдик, яқин бўлиб қолдик. Лекин камтарлиги, камсуқумлиги сабаб ўзининг шоир эканлигини айтмади. Табиийки, мен ҳам унга хонанда эканимни билдирмадим. Уйга қайтгач «Ёшлик» журналини ўқиётиб унинг суратига кўзим тушиб қолди. Билдимки, танишим шоир Муҳаммад Юсуф экан. Биз у билан қайтадан «танишдик». Сўнгра «Оқ тулпор», «Армон», «Уруш бўлмасин», «Юр, муҳаббат», «Янги-янги тонг бўлиб отсаммикин» деган қўшиқларим яратилди.

Яқинда сирдарёлик шоир Тўра Сулаймондан битта шеър олдим. У менга жуда ёқди. Қўшиқ қилдим. «Бу кеч ой ботмасайди» деб бошланади. У назаримда ёмон чиқмади. Албатта, ҳақиқий баҳони мухлислар беради.

**– Қўшиқларингизда халқона оҳанглар бўртиб туради. Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз?**

– Бу туғилиб ўсган жойим билан боғлиқ бўлса керак. Чунки қишлоғимиз қадимий жойлардан ҳисобланади. Ўзига хос турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналарига эга. Шунингдек, халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам яхши сақланиб қолган. Ёшлигимдан халқ куйлари, қўшиқларини эшитиб катта бўлганман.

**– Санъаткор сифатида бахтлимисиз?**

– Нокамтарлик бўлса ҳам айтай: бахтим – юракдан куйлаш дардининг борлиги.

**Суҳбатдош: Холиёр АБДИЕВ**

## МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Шоҳ Филипп бир куни, жиноий жавобгарликка тортилаётган ҳалол кишининг сўзга чиқиб, ўзини оқлаш учун гапираётган вақтида, иттифоқо, ухлаб қолибди. Кейин кўзини очса, унга жазо ҳукми ўқилаётган экан, у эса: «Мен ҳали арз қиламан!» деб бақираётган экан. Шоҳ ажабланиб «Э, маҳкум, кимга арз қиласан?!» деб хитоб қилибди. У «Сизга-да, кимга бўларди, фақат ухламай ўтирганингизда», дебди...

Шунда шоҳ дарҳол унинг аҳволини тушуниб, сергак тортибди-ю, айблов жараёнини қайта сўроқлаб, кейин уни оқлаб юборибди...

* * *

Император Диоклетиан фол очтирса, «Келажакда, у тўнғиз ўлдирганидан сўнг, подшоҳ бўлади» деб айтишган экан. Ўша вақтдан буён у доимо ов қилиб, қанча-қанча тўнғизларни ўлдириб юборса ҳам, ҳадеб тахтга бошқалар чиқаверибди. У хуноб бўлиб:

– Ҳа... Буларни доим мен ўлдираяпману, бироқ, ҳар сафар «тўнғиз»лар подшоҳ бўлаяпти, - деб қўйибди хўрсиниб.

* * *

Бир қария одам Юлий Цезар ҳақида доим ҳаддан ортиқ танқид қилиб гапирса ҳам, у кечирар экан. Шу тўғрида, дўстлари у одамга хиёл эҳтиётроқ бўлиб гапиришни маслаҳат берибдилар. У бўлса уларга шундоқ дебди:

– Ғам чекманг, бунга қарши менда иккита қалқон бор: бири қарилигим бўлса, яна бири - етимлигимдир... Ва шу икки нарса бошқалар учун бахтсизлик бўлса, аксинча мен учун устунликдир...

* * *

Империя даврида, Людовик XVIII нинг яқин мансабдорларидан бири кутилмаганда Напалеон полициясидан жуда қимматли бўлган «айғоқчи-жосуслик» таклифини олди. Напалеоннинг махфий хизмат идораси «Кун ора, Людовик нима қилаётганини етказиб бериб турсангиз, эллик минг франк пул оласиз », дейишди. У киши бу таклифни қирол Людовикка айтганди, у эса:

– Азизим, дарҳол рози бўл! Шунча пул сенга керак эмасми? Тезда ишга кириш, ҳеч кимдан қўрқма, нима қилаётганим ҳақида ўзим ахборот ёзиб бериб тураман.

**Ойбек МАҲМУДОВ таржималари**

# КУЧЛИЛАР УЧРАШГАНДА

*Футбол*

«Интер» – «Милан» – 1:1, «Ювентус» – «Реал» – 3:1, «Пахтакор» – «Нефтчи» – 1:0...

Мухлислар қаторасига икки кун мириқиб футбол томоша қилишди. Кучлилар учрашганда деярли ҳар доим шундай бўлади. Натижа қандай тугашидан қатъи назар мураббийлар томонидан «А»дан «Я»гача олдиндан ёзилган спектакл майдонида кўплаб тузатишлар билан намойиш этилади. Юқорида тилга олганимиз жамоалар ўртасида қайд этилган ҳисоблар ҳам бунга яққол мисол. Лекин биз Европа чемпионлар лигаси баҳслари ҳамда ўз миллий чемпионатимизнинг марказий ўйинини бежизга ёнма-ён келтирмадик. Икки учрашув натижасига кўра финалда энди «Милан» ва «Интер» клублари рўбарў келадилар. Бунақаси аввал ҳеч бўлмаган эди. Хуллас, италиялик «тиффози»ларнинг бити тўкиладиган бўлди, ўйин қандай натижа билан тугамасин, Кубок ва шон-шуҳрат Апенин ярим оролига йўл оладиган бўлди.

Ажаб эмас, замонлар келиб Осиё чемпионлар лигаси финал баҳсида Ўзбекистоннинг икки кучли жамоаси – «Пахтакор» ва «Нефтчи» учрашиб қолсалар... Ўтган куни Тошкентда ушбу командалар мухлислар орзусини рўёбга чиқариш учун илк қадам ташладилар. Ишқибозлар гарчи «тўплар ёмғири»ни кўрмаган бўлсалар-да, шиддатли қарама-қаршиликнинг гувоҳига айланганлари рост гап. Биринчи таймда фарғоналикларнинг қўли баланд келганлигини эътироф этиш лозим. Иккинчи бўлимда майдон эгалари нисбатан жозибали ўйин кўрсатиб, Сервер Жапаровнинг индивидуал маҳорати эвазига уч очколик ҳам бўлиб олдилар. Ғалаба «Пахтакор»нинг мавкеини анча мустаҳкамлади, бунинг акси ўлароқ «Нефтчи»нинг карвонбошликка бўлган даъвосига бироз путур етди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Цементчи» – «Трактор» – 1:1, «Қизилқум» – «Насаф» – 3:1, «Гулистон» – «Бухоро» – 2:3, «Машъал» – «Андижон» – 3:0, «Металлург» – «Қўқон-1912» – 3:1, «Дўстлик» – «Самарқанд-Д» – 4:2, «Сурхон» — «Навбаҳор» — 1-0.

**8-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Нефтчи» | 8 | 7 | 0 | 1 | 23-3 | 21 |
| 2. «Пахтакор» | 7 | 6 | 1 | 0 | 17-4 | 19 |
| 3. «Қизилқум» | 8 | 5 | 1 | 2 | 14-7 | 16 |
| 4. «Сурхон» | 8 | 5 | 0 | 3 | 11-11 | 15 |
| 5. «Дўстлик» | 8 | 4 | 2 | 2 | 11-13 | 14 |
| 6. «Насаф» | 8 | 4 | 1 | 3 | 13-8 | 13 |
| 7. «Машъал» | 8 | 3 | 1 | 4 | 12-7 | 10 |
| 8. «Навбаҳор» | 8 | 2 | 4 | 2 | 9-7 | 10 |
| 9. «Андижон» | 8 | 3 | 1 | 4 | 9-9 | 10 |
| 10. «Металлург» | 8 | 3 | 1 | 4 | 11-16 | 10 |
| 11. «Самарқанд-Д» | 7 | 3 | 0 | 4 | 9-8 | 9 |
| 12. «Цементчи» | 8 | 2 | 2 | 4 | 7-11 | 8 |
| 13. «Трактор» | 8 | 2 | 2 | 4 | 9-20 | 8 |
| 14. «Бухоро» | 8 | 2 | 1 | 5 | 10-14 | 7 |
| 15. «Қўқон-1912» | 8 | 2 | 0 | 6 | 6-18 | 6 |
| 16. «Гулистон» | 8 | 1 | 1 | 6 | 5-18 | 4 |

*Диққат, янги фильм!*

# «ТАҚДИР ҲАЗИЛИ ЁХУД ХЎРОЗ ҚОЧДИ»

**Ўзбекистон телерадиокомпанияси реклама - тижорат департаменти ва «Ўзбектелефильм» маҳсулоти**

Тақдир тақозоси билан яқинда Андижон вилоятида сафарда бўлиб қайтдим. Табиий, водийликлар меҳмонни бир чўқим ошсиз жўнатишмайди.

Улуғ шоир номи билан аталувчи боғда ош қилинадиган бўлди. Шинаванда улфатларимиздан бири - Абдунаби ака бошқа жойга таклиф қилиб қолдилар:

— Тошкандан «Хўроз қочди» деган бир кино келган экан. Меҳмоннинг ҳурмати, аши кинони томоша қилиб келсак. Унгача Қўзивой акам ошши кепатасини келтириб турадилар.

Кино кўргани кетаяпмизу, ичимда бир хавотир ўрмалайди. «Ҳай, бориб кинони кўрармиз ҳам, чойхонага қайтиб келармиз ҳам... Кейин нима бўлади? Кино мундоғроқ бўлса, «Тошкандан келган меҳмон» аския ёмғири остида қолиб кетмасмикан?» Юрагимни чулғаган андиша шу эди.

Абдунаби ака тарзимдан ички ҳолатимни англади чоғи, кўнглимни кўтарди:

— Хавотир бўлманг, меҳмон, кино қизиқ бўлмаса, ярмидан ташлаб қайтиб келаверамиз.

«Тақдир ҳазили ёхуд Хўроз қочди» воқеабанд саргузашт комедия экан. Мириқиб кулишдик. Тоштемир ва Арслоннинг икки кун ичида (хўроз қувалаб юриб) бошидан кечирган воқеалар фильм сюжетининг асосини ташкил қилади.

Тоштемир-қайсидир туманимиздаги илғор тадбиркор.

Арслон-пойтахтимиздаги хусусий корхона соҳиби, «Фирмач»!

Аслини олганда, иккови ҳам ўзимизнинг замондошларимиз, борингки, замонамиз қаҳрамонлари. Лекин, уларнинг касбий фаолиятларидан ташқари ғалати «хусусият» лари бор. Бири ашаддий футбол ишқибози, иккинчиси хўроз «жинни»си.

Иккала қаҳрамонимиз ҳам топармон-тутарман. Аммо, ўша ғалати «хусусият»лари туфайли оилага ҳам, атрофидаги ёру дўстларига ҳам бефаркдек.

Тақдир тақозоси билан бу икки «фанат» оддий одамлар орасига тушиб қолади.

Шу баҳонада улар атрофларида бошқа одамлар борлигини, ҳаёт фақат футболу хўроз уриштиришдан иборат эмаслигини фаҳмлаб қолишади. Айтайлик, ўзларини одам сифатида қайта кашф этишади.

Агарки одам боласи мудом кутилмаган нарсаларни кутиб яшаркан, бу фильмда ҳам кутилмаган нимарсалар анчагина топилади. Топилган «нимарса»ларининг ҳаммаси ҳам топилма даражасида бўлмаса-да, томошабинга завқ беради. Бу эса ҳамиша долзарб масала бўлиб келган.

Гоҳида, ҳолатни қизиқроқ намойиш этиш учун кадрни тезлаштириш усули қўлланилади. Киночилар бу ҳолни қандоқ номлашларини билмадиму лекин менинг назаримда бу ғайритабиий шавқ уйғотиш усулидир. Соддароқ қилиб айтсак, бу «қитиқлаб кулдириш» дегани. Негиз бақувват бўлса, бунақа «найранг»га ҳожат қолмайди.

«Хўроз қочди»да айни ўша найрангдан қочилган. Таъбир жоиз бўлса, унда воқеаларнинг ўзи тезлаштирилган. Битта хўрозни қувалаб тутишга иккита давангирдай одамнинг қанча вақти кетиши мумкин? «Бир ош пишгунча», деган жавоб бу ўринда лоф санъатининг гўзал намуналаридан бири бўлган бўларди. Фильм ижодкорлари айнан шу масалага ҳам кутилмаган нуқтаи назардан ёндошишган. Асар мазмунига кўра, «икки давангир» битта «жўжахўрозни» роса икки кун қувалашади.

Аслида, хўроз бир баҳона (қишлоқ чойхонасида ўйналган гаров ҳам). Муаллиф шу баҳонада ўзига тўқ икки «янги ўзбек»ни оддий одамлар орасига олиб киради.

Оддий одамлар орасида кечган икки кун ичида қаҳрамонларимиз ердан нақадар узилиб қолганликларини сезишади. Ва шу асно яна одам сиёғига қайтадилар.

Ҳамма гап шунда!

Мен атай воқеаларни тўла баён этмаяпман. Ўзингиз кўринг демоқчиман. Юз бора эшитгандан, бир бора кўрган афзал.

«Улфати чор» кинотеатрдан хумордан чиқиб, чойхонага қайтдик. Ош ҳам роса кепатасига келган экан. Ош ўз йўлига-ю, фильм баҳонасида шунақа бир аския бўлди: ким хўроз, ким товуқ бўлган, ким тухум босган, ким жўжа очган, денг. Бунақа баравж аскияни энди эшитишим.

Аскиянинг бу даражада баравж бўлишида «Хўроз қочди»нинг ижобий (ижодий ҳам) таъсири яққол сезилиб турарди.. Улфатлар фильмдан катта илҳом олиб қайтгандилар-да!

Ҳа-я, фильм ижодкорларини таништиришни унутаёзибман. Улар Яҳё Тоға, Машраб Кимсанов, ака-ука Толиб ва Шерали Ҳожиевлар, Хосият Ҳусанова, Озода Нурсаидова, Саид Мухторов, Акмал Умарбеков, Нурлан Орзуқулов, Гулчеҳра Носирова ва ҳоказо. Ким қандай юмуш билан банд бўлганлигини эса фильмни кўрсангиз билиб олаверасиз.

**Эркин УСМОНОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net
ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.45
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Тиражи: 17449 Буюртма Г— 373. 1 2 3 4 5 6